

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**ПАРШИЕВ САРДОР РАСУЛОВИЧ**

**ТИНЧ ҲОЛАТДА ВА ЖИСМОНИЙ ЮКЛАМАЛАР ШАРОИТИДА  
СПОРТЧИНИНГ (ТУРЛИ СПОРТ ЎНАЛИШЛАРИДА) ЮРАК-ҚОН  
ТОМИР ТИЗИМИДА ФУНКЦИОНАЛ-МЕТАБОЛИК ЎЗГАРИШЛАР  
ХУСУСИЯТИ**

**14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Парпиев Сардор Расулович**

Тинч ҳолатда ва жисмоний юкламалар шароитида спортчининг (турли спорт йўналишларида) юрак-қон томир тизимида функционал-метаболик ўзгаришлар хусусияти..... 3

**Парпиев Сардор Расулович**

Особенности функционально- метаболических сдвигов в сердечно-сосудистой системе у спортсменов (при различных видах спорта) в покое и на фоне физической нагрузки..... 23

**Parpiev Sardor Rasulovich**

Features of functional and metabolic changes in the cardiovascular system in athletes (of various sports) at rest and during physical activity..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**ПАРШИЕВ САРДОР РАСУЛОВИЧ**

**ТИНЧ ҲОЛАТДА ВА ЖИСМОНИЙ ЮКЛАМАЛАР ШАРОИТИДА  
СПОРТЧИНИНГ (ТУРЛИ СПОРТ ЎЎНАЛИШЛАРИДА) ЮРАК-ҚОН  
ТОМИР ТИЗИМИДА ФУНКЦИОНАЛ-МЕТАБОЛИК ЎЗГАРИШЛАР  
ХУСУСИЯТИ**

**14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib532 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.sportmed.uz](http://www.sportmed.uz)) манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Мавлянов Искандар Рахимович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:** Махмудов Дилшодбек Эргашбекович  
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), к.и.х.  
Талинова Юлдуз Шавкатовна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «30» Июл кунини соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100027, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: [medsport@gmail.com](mailto:medsport@gmail.com)).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» Июль кунини тарқатилди.  
(2021 йил «16» Июль даги 24 рақамли реестр баённомаси).



**А.А. Садиков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Б. Солиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
биология фанлари доктори, к.и.х.

**А.А. Хаджиметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
биология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон спорти жисмоний ва ақлий юкламалар билан юқори даражада боғлиқ бўлиб, машқлар техникаси мураккаблашуви туфайли юзага келадиган тана мослашуви жараёнидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Машқлар жараёнини жадаллашуви эса спортда юқори натижаларга эришишнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2005 йил 16 сентябрдаги 60/1 ва 2010 йил 22 сентябрдаги 65/1 хужжатларида қайд этилганидек «...спорт минг йиллик Декларацияда шакллантирилган ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришишда ўз ҳиссасини қўшади»<sup>1</sup> ва 2030 йилгача бўлган даврда энг муҳим ва турғун ривожланиш соҳаларидан бири бўлиб қолади.

Дунёда спортда учрайдиган юрак хуружи туфайли тўсатдан рўй берадиган ўлим ҳолати, унинг келиб чиқиши механизмлари ва эрта ташхисотини тадқиқ этиш спорт тиббиёти соҳасида ўта долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Бундай жиддий ҳолат ушбу касалликни олдини олишга қаратилган изланишлар зарурияти ва амалий аҳамияти жиҳатидан устувор тадқиқотлар қаторида эътироф этилишига олиб келмоқда. Ўтказилган илмий тадқиқотлар спортчиларда ЭКГ кўрсаткичларидаги ўзгаришларнинг юрак билан боғлиқ бўлган тўсатдан ўлим ҳавфи орасида муайян боғлиқлик мавжудлигини бу эса юқори спорт натижаларига эришишга йўналтирилган тайёргарликдаги мослашувчанликнинг бузилишини бошланғич белгилари эканлигини кўрсатмоқда. Шу туфайли, спортчиларда юракка уларнинг жисмоний юкламаларига мослашувини таъминловчи асосий аъзо сифатида қаралиб, унда рўй бериши мумкин бўлган минимал ўзгаришларни эрта аниқлаш ва мониторинг тизимини яратиш, юрак фаолиятини бошқаришда иштирок этувчи механизмларни, жумладан, генлар полиморфизминини ўрганиш спортда тўсатдан юрак ўлиминини олдини олишга қаратилган истиқболли тадқиқотлар сирасига киради.

Мамлакатимизда спортчиларнинг юқори натижаларга эришиши, улар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида «...аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тиббиётда замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш

<sup>1</sup> Генеральная Ассамблея ООН. А/72/L.43 Семьдесят вторая сессия Пункт 11 повестки дня «Спорт на благо мира и развития: утверждение мира и построение более счастливой жизни на планете посредством спорта и воплощения олимпийских идеалов», [un.org/ga/72/agenda/](http://un.org/ga/72/agenda/).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

орқали спортчилар саломатлигини мустаҳкамлаш ва самарали тиббий тикланиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2821-сон «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Спорт фани, хусусан, тиббиёт спорти ривожланишининг замонавий босқичлари профессионал спорт фаолиятининг муваффақиятига таъсир этувчи омилларга тааллуқли бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилган янги инновацион ёндошувларга талабгорлик билан тавсифланади. Спортчи организмни жисмоний юкламаларга толерантлигини ўстириш ва ривожлантириш спорт фаолиятидаги муваффақиятни таъминловчи йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда машғулот жараёнининг жадаллиги ҳамда давомийлиги бўйича мос бўлмаслиги натижасида юракнинг мослашмаслиги ва зўриқиш синдроми ривожланиши мумкин. Мазкур йўналишда ўтказилган тадқиқотлар шундан гувоҳлик берадики, ортиқча жадаллик ёки давомийликда ҳамда қон айланиш аппаратининг тикланишига мос бўлмаган тарзда ўтказилган машғулотлар мослашувчанликнинг бузилишига ва зўриқиш ҳавфининг ривожланишига олиб келади (Иорданская Ф. А., Юдинцева М. С., 2006; Козленок А. В., Березина А. В., 2006; Гарганеева Н.П. ва ҳаммуаллифлар, 2010). Бир қатор олимларнинг фикрига кўра, юрак-қон томир тизими бир томондан соғлом спортчиларнинг энг юқори даражадаги иш қобилиятини белгилаб берса, бошқа томондан спорт машқлари билан нораціонал шуғулланиш натижасида юзага келадиган – сурункали зўриқиш натижасида миокард дистрофияси, патологик ўзгаришлар натижасида уларнинг ютуқларини чегаралаши мумкин (Граевская Н. Д., Долматова Т. И., 2004; Михайлова А. В., Смоленский А. В., 2009). Ҳақиқатдан ҳам Гарганеева Н.П. ва ҳаммуаллифлар, (2017), томонидан олиб борилган тадқиқотлар шундан гувоҳлик берадики, спорт маҳоратининг ўсиши билан бирга ЭКГда қайд этиладиган ўзгаришлар сони ва юрак

ритмининг бузилиш ҳолатлари ортади. Юракнинг жисмоний юкламаларга мослашишни бузилиши ва зўриқиб ишлаганининг ривожланиши юрак билан боғлиқ бўлган, ЖССТ маълумотларига кўра учраш сони эса ҳар 1 миллион аҳолига ҳафтасига 30 та ҳолатни ташкил этадиган, тўсатдан ўлимни юзага келишига олиб келиши мумкин (Гендлин Г.Е., Учаева Я.И., Мелехов А.В., 2013).

Н.П. Гарганева ва ҳаммуаллифлар (2012) олиб борган тадқиқотларнинг кўрсатишича, юракни жисмоний юкламаларга мослашувчанмаслигининг бошланғич маркерларини аниқланиши, спорт маҳоратининг ўсишига тўсқинлик қилувчи, машғулот жараёнида муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Бундай ўзгаришлар асосан спортчининг генетик боғлиқ бўлган мойиллигини мос келмаслигида ва куч/тезлик ёки чидамликни ривожланишига қаратилган машғулотлар жараёнида ривожланади. Шунинг учун равшанки, спортда юрак-қон томир ҳолатлари билан боғлиқ ҳодисаларни самарали олдини олишда инсоннинг жисмоний сифатларини намоён бўлиши ва ривожланишига олиб келувчи генетик маркерларини ўрганиш йўли билан эришиш мумкин (Аль-Обади И.С., 2007). Шу билан бир вақтда спортчиларда турли жисмоний юкламаларни бажаришга бўлган генетик мойилликни аниқлаш машғулот жараёнини ташкил этиш ва ўтказишга табақалаштирилган ёндашувни шакллантиришга кўмаклашади. Бироқ, турли жисмоний юкламаларга мойилликни генетик боғлиқлиги нафақат юрак қон томир тизимига жавобгар бўлган ўндан ортиқ бўлган генлар билан белгиланади, балки ҳар бир генетик вариант эҳтимол машқ қилишнинг умумий ўзгаришларига ўзининг унча катта бўлмаган фоизини қўшади. Шу сабабли, генетик таркибнинг кўп сонли вариациялари генлар экспрессиясини ўзгартириши ва шахснинг спортдаги чидамлик ёки куч типига муваффақиятига сабаб бўлиши мумкин.

Бу соҳада амалга ошириладиган тадқиқотлар долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бу каби тадқиқотлар илгари ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказининг ПЗ-20170928597 «Спорт натижаларини прогнозлаш ва ўқув-машқ дастурларини муқобиллаш учун спортчилар физиологик ҳолатини математик моделини яратиш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда юрак фаолиятини жисмоний юкламаларга мослашувини бузилиши белгиларини тадқиқ этиш ва уларни функционал метаболик ўзгаришлар хусусияти билан ўзаро алоқадорлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланувчи спортчиларда юрак фаолиятида функционал силжишлар структураси ва уларнинг учраш сонини аниқлаш;

енгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш спорти билан шуғулланувчи спортчилар юрагида бўладиган функционал силжишларни тадқиқ этиш ва қиёсий таҳлилини қилиш;

енгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш спорти билан шуғулланувчи спортчиларда юрагининг юкламаларга мослашув жараёнини бузилиши белгилари мавжудлигини инобатга олган ҳолда кардиореспиратор тизим функционал ҳолати кўрсаткичларини баҳолаш;

енгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш спорти билан шуғулланувчи спортчиларда ACE, ACTN3, PPARA ва PPARGC1A генлар аллель-генотипларини тақсимланишини аниқлаш;

спортчиларда юрак дисфункциясини келиб чиқиши билан баъзи спорт генлари аллель-генотип вариантлари орасидаги ўзаро боғлиқликни исботлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида 2018-2020 йиллар оралиғида 60 нафар циклик ва 147 нафар ациклик спорт турлари билан шуғулланган 18-24 ёшдаги миллий терма жамоа аъзолари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида кардиореспиратор тизимнинг клиник-функционал ва спорт генлари аллель-генотип вариантлари кўрсаткичлари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда юракнинг электрофизиологик кўрсаткичларини тинч ҳолатда ва стандарт қувватдаги («стресс» ЭКГ) юкламалар фонидида ўлчаш ҳамда тезкорлик-кучлилик ва чидамлилиқ спорт хусусиятларни назорат қилувчи генларни аллель ва генотипларини аниқлаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор циклик (енгил атлетика, велосипед ва эшкак эшиш) спорт турлари бўйича спортчилар орасида ACE, ACTN3, PPARA ва PPARGC1A генлари чидамлилиқ ва тезликни назорат этувчи генотиплари нисбати билан юрак зўриқиши белгилари учраши характерига мувофиқ толиқиш синдроми келиб чиқиши ҳавфи даражасини (юқори ва қуйи) аниқлаш имконияти исботланган;

илк бор циклик спорт турлари бўйича шуғулланувчи спортчиларда чидамлилиқ ва тезликни назорат этувчи генотиплар муаъян ассоциацияси ва юрак электрофизиологияси кўрсаткичларига биноан индивидуал жисмоний фаоллик тури (стайер ёки спринтер) ва уларнинг юқори спорт натижаларига эришиши мумкин бўлган устувор дистанциялари (қисқа, ўрта ва узоқ дистанциялар) аниқланган;

илк бор спортнинг циклик ва ациклик турлари билан шуғулланувчи спортчилар юрак ритми ва частотаси, юрак бўлмачаси ва қоринчаси импульс ўтказувчанлиги каби юрак кўзгалувчанлиги ҳамда ўтказувчанлиги бузилишларини алоҳида ва биргалиқда учраши характерига қараб юрак зўриқиши ҳолатини башорат қилиш ва эрта аниқлаш имконияти асосланган;

юрак зўриқиши белгилари аниқланган спортчилар орасида кардиореспиратор тизими функционал кўрсаткичларидаги ўзгаришлар юрак



зўриқиши белгилари аниқланмаган спортчиларга нисбатан кўпроқ эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда уларнинг жисмоний иш қобилиятига таъсир этувчи юрак дисфункциясини аниқлашнинг эрта белгилар аниқланган;

юрак дисфункцияси электрофизиологик белгилари ва кардиореспиратор тизим функционал кўрсаткичлари орасида ўзаро боғлиқлик аниқланган;

спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда зўриқиш синдромини ривожланиш ҳавфини башоратлаш учун спорт генларининг генотип вариантлари ва юрак дисфункция кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги бўйича алгоритм ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўтказилган тадқиқотлар замонавий, бир-бирини тўлдирувчи ЭКГ, функционал ва генетик усуллар, шунингдек, текширилган спортчилар сонининг етарлилиги, статистик таҳлиллар усуллари тўпламларининг асосланганлиги ва уларни тўғри қўлланилганлиги ҳамда олинган хулоса ва натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланувчи миллий терма жамоа аъзолари спортчиларида юрак дисфункциясининг эрта белгилари, қатор спорт генларининг генотип вариантларини ташувчилари ва кардиореспиратор тизимларнинг функционал кўрсаткичлари ҳамда юрак дисфункцияси ҳисобига спортчиларда зўриқиш синдромини ривожланиш ҳавфини баҳолаш мезонлари сифатида қўллаш имконини берувчи кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро маълум боғлиқликнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти алгоритмни ва унинг асосида спортчиларда зўриқиш синдромининг ривожланиш ҳавфини башорат қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур дастурларнинг қўлланилиши зўриқиш синдроми ривожланишининг эҳтимоллигини илк босқичларида аниқлашга имкон бериши ва юрак дисфункцияси билан боғлиқ бўлган тажовузкор асоратларни юзага келишини олдини олиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Тинч ҳолатда ва жисмоний юкламалар шароитида спортчининг (турли спорт йўналишларида) юрак-қон томир тизимида функционал-метаболик ўзгаришлар хусусияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларида зўриқиш ва чарчаш синдромини башорат қилиш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/394-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома спортчиларнинг функционал ҳолатини аниқлашда юракнинг электрофизиологик кўрсаткичларини тинч ҳолатда ва стандарт қувватдаги

юкламалар фонида ўлчаш ҳамда ўз вақтида спортчиларнинг юрак фаолиятига ташхис қўйиш имконини берган.

юракнинг стандарт кувватдаги юкламаларга дезадаптация белгиларини эрта аниқлаш ва у асосида чарчаш ва зўриқиш синдромлари профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш орқали спортчиларнинг спорт натижаларини яхшилаш бўйича тавсиянома Ўзбекистон енгил атлетика ва велоспорт федерациялари спорт шифокорлари ва мураббийлари амалиётига жорий этилган (енгил атлетика федерациясининг 2020 йил 14 октябрдаги ва велоспорт федерациясининг 2020 йил 15 октябрдаги илмий тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш тўғрисидаги маълумотномалари). Жорий қилинган натижалар мазкур спорт турлари билан шуғулланувчи спортчиларда индивидуал машқ дастурларини шакллантириш орқали улардаги чарчаш ва зўриқиш синдромлари ривожланишининг профилактикасига бўлган ёндашувларни шакллантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 2 та, жумладан, 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар нашр этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикасининг Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республикада ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, шахсий текшириш натижаларининг баёни ва таҳлили билан бешта боб, хулоса, яқун, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юқори жисмоний юклама шароитида юрак қон томир тизими ва уни ўз вазифасини бажариши**» деб номланган биринчи бобида жисмоний юкламаларга спортчилар организмининг жумладан юрак қон- томир тизимининг мослашиш муаммоларининг замонавий ҳолатини маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Спортда, айниқса олий ютуқларга олиб борувчи спортда спортчи доимий равишда юқори, баъзида ҳаддан ташқари юқори жисмоний юкламаларга учрайди. Шубҳасиз, юқори ва ёки спортчининг мос бўлмаган ҳақиқий иш қобилияти шароитида организмнинг мослашиш механизмларини издан чиқиши ҳолатида юрак-қон томир тизими дисфункциясини тавсифловчи вазият ривожланиши мумкин. Жисмоний юкламаларга спортчи организмнинг мослашиш механизмларида юракка алоҳида ўрин берилади. Бу йўналишдаги илмий маълумотларнинг таҳлили шундан гувоҳлик берадики, жисмоний юклама шароитида юрак дисфункциясининг энг эрта белгиларидан бири бўлиб, аритмиянинг турли шакллари ривожланиши билан қўзғалувчанлик функцияси ва ўтказувчанлик патологиясининг турли шакллари ривожланиши билан юракнинг ўтказувчи тизимидаги бузилишлар ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар кўрсатадики, юрак дисфункциясининг юзага келиши ва кучайиши шароитида ҳатто тўсатдан юрак билан боғлиқ бўлган ўлимни ривожланишигача бўлган, ҳаддан ташқари кўп шуғулланиш синдроми юзага келиши мумкин.

Спортда тўсатдан юзага келадиган ўлимни башоратлаш ва олдини олиш муаммоси айниқса юқори марралар спортидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу биринчи навбатда спортдаги ютуқларни ўсиши билан боғлиқ бўлиб, бу спортчидан ўзини мунтазам равишда такомиллаштириб боришга, баъзида ҳатто ўзининг жисмоний имкониятларига мос бўлмаган машқларни бажаришни талаб этади. Бу ҳолат юрак дисфункциясини ривожланишини, ҳаддан ташқари кўп шуғулланиш синдроми ва ҳатто юрак билан боғлиқ бўлган тўсатдан ўлим ҳавфини оширади.

Адабиёт манбаларининг таҳлили шу нарсани аниқлашга имкон бердики, ҳозирги вақтда спортчининг тайёргарлигини ҳар хил даврида юрак дисфункциясини ривожланишини эрта предикторларини излаш, шунингдек баъзи спорт генлари полиморфизми билан ўзаро алоқасини муаммолари етарли даражада ўрганилмаган. Махсус адабиётларда спорт генларининг полиморфизми ва спортчининг кардиореспиратор тизимини клиник-функционал параметрларини мажмуавий ўрганиш бўйича ишлар мавжуд эмас, бу эсаушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш заруриятини кўрсатади.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланувчи 18-24 ёшда бўлган 207 нафар спортчида стандарт кувватдаги юклама фониди ва тинч шароитда кардиореспиратор тизимнинг функционал ҳолат параметрлари ва юрак электрофизиологиясини текшириш киритилган ҳолдаги тадқиқот материаларининг тавсифи келтирилган. Кардиореспиратор тизимнинг функционал ҳолати кардиореспиратор юклама тестини ўтказиш йўли билан баҳоланди.

Генетик тадқиқотлар 17-25 ёшдаги енгил атлетикачи, велоспорт билан шуғулланувчи ва эшкак эшувчи 60 нафар спортчиларни танлаб олиш асосида ўтказилди. Қон намуналарини йиғиш Ўзбекистон енгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш бўйича Федерация базасида ўтказилди. Тадқиқотлар НОК

қошидаги Республик спорт тиббиёти илмий амалий марказининг лаборатория ташхислаш бўлимида олиб борилди.

Олинган маълумотлар ўртача арифметик ( $M$ ), ўртача квадрат силжиш ( $\sigma$ ), стандарт хатолик ( $m$ ), нисбий катталиқлар (частота, %) ни ҳисоблаш билан статистик таҳлилнинг амалий дастур пакетини қўллаш орқали амалга оширилди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар асосида  $p < 0,05$  ишончлилик даражаси қабул қилинди.


Диссертациянинг «**Спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланувчи спортчиларда юракнинг ЭКГ тавсифини ўзига хосликлари**» деб номланган учинчи бобда стандарт қувватдаги юкламада спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланувчи спортчиларда юракнинг электрофизиологияси томонидан юзага келадиган ўзгаришларни ўрганиш натижалари келтирилган. Бунда шу нарса кўрсатилдики, бу силжишларнинг энг юқори сони футбол билан шуғулланувчи спортчилар орасида кузатилади. Юрак ритми бузилишларини 80%дан ортиқ ҳолатлари футболчи спортчилар орасида ўз ўрнига эга бўлди. Спортнинг бошқа турлари билан шуғулланувчи спортчилар орасида эса юрак электрофизиологияси томонидан юзага келадиган силжишлар нисбатан кам учрайди. Юрак аритмияси тузилмасида қоринча усти экстрасистолиясининг нисбий оғирлиги энг юқори бўлиб, у экстрасистолиянинг барча ҳолатларини деярли ярмидан кўпини ташкил этади. Бундан ташқари, каратечилар ва велоспорт билан шуғулланувчилар орасида фақат қоринча экстрасистолияси ўз ўрнига эга бўлган бўлса, кураш ва қиличбозлик билан шуғулланувчи спортчиларда – фақат қоринча усти систолияси ўз ўрнига эга бўлди.

Мазкур бобда алоҳида энгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш каби спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчилар ўртасида юрак электрофизиологиясини текшириш натижалари тақдим этилган. Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчилар орасида намоён бўлиш шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда юракнинг электрофизиологияси томонидан бузилишларнинг учраш сонини таҳлили кўрсатдики, тадқиқотда иштирок этган спортчиларнинг 1/3 қисмида ЭКГ кўрсаткичларининг у ёки бу томондан турли хилдаги силжишлар ўз ўрнига эга бўлди. Бунда ЭКГ кўрсаткичларининг бузилиши бўлган спортчилардаги энг юқори сон велоспорт билан шуғулланувчи спортчилар орасида учраса, энг кичик сон эса – эшкак эшувчи спортчилар орасида юзага келади (1-расм). Бундан келиб чиқадики, спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда стандарт қувватдаги юкламага юракнинг жавоб реакциялари бир хилда эмас. Бунда юракнинг электрофизиологик тавсифи томонидан одатдаги жавоб реакциясидан энг кўп юзага келадиган силжишлар велоспорт билан шуғулланувчи спортчилар орасида кузатилса, энг ками – эшкак эшувчи спортчилар орасида кузатилади.

Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда юракнинг электрофизиологияси томонидан юзага келадиган бузилишлар кўзгалувчанлик (экстрасистолия ва аритмия) ҳамда юракни ўтказувчанлиги (атриовентрикуляр ва қоринча ичи блокадалари) томонидан хосил бўладиган бузилишлар билан тавсифланади. Бундан ташқари, чап қоринчанинг

гипертрофиясини намоён бўлиши ва юракдаги турли даражадаги метаболик ўзгаришлар аниқланди. Юрак қўзғалувчанлигини бузилиши 33,3% ҳолатда ўз ўрнига эга бўлди. Юрак қўзғалувчанлигини бузилиши бўлган ҳар тўртинчи спортчида экстрасистолия аниқланди. Экстрасистолия тузилмасида қоринча экстрасистолияси устунликка эга бўлди. Юрак ўтказувчанлигини бузилиши 11,7% ҳолатда учради. Ўтказувчанликни бузилиш тузилмасида қоринча ичи ўтказувчанлигини бузилиши устунликка эга бўлди. Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи тадқиқотда иштирок этган спортчилар ўртасида чап қоринчанинг гипертрофияси ва миокарддаги метаболик ўзгаришлар юракни қўзғалувчанлиги ва ўтказувчанлигини бузилишига нисбатан кам учрайди.

Спортнинг циклик турларига боғлиқ ҳолда юракнинг электрофизиологияси томонидан силжишларнинг учраш сони ва тузилмасини таҳлил қилишда ушбу бузилишларни нотекис тақсимланиши аниқланди. Бунда юрак қўзғалувчанлигини бузилиши велоспорт билан шуғулланувчилар ва эшкак эшувчиларга қиёслаш бўйича энгил атлетикачилар орасида кўпроқ учрайди. Бунда экстрасистолия энгил атлетикачилар ва велоспорт билан шуғулланувчи спортчилар учун хос бўлса, эшкак эшувчилар орасида эса мутлақо учрамайди. Худди шу каби кўриниш чап қоринчанинг гипертрофиясига нисбатан ҳам кузатилади. Шу билан бир вақтда қоринча ичи ўтказувчанлигини бузилиши асосан велоспорт билан шуғулланувчилар орасида учрайди ва эшкак эшувчилар орасида эса аниқланмайди. Тавсифи бўйича худди шу каби кўриниш миокарддаги метаболик ўзгаришларга нисбатан кузатилади. Бундан келиб чиқадики, спорт турига боғлиқ ҳолда учраш сони бўйича ҳам, намоён бўлиш шакли бўйича ҳам стандарт қувват юклагаси шароитида юракнинг электрофизиологияси томонидан силжишлар бир хилда эмас.



*1-Расм. Эшкак эшувчи, энгил атлетика ва велоспорт билан шуғулланувчи спортчилар орасида юракнинг электрофизиология кўрсаткичларининг учраш сони.*

Диссертациянинг «Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда кардиореспиратор тизимларнинг функционал индикаторининг қиёсий тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда циклик спорт турига боғлиқ ҳолда ҳам, юрак дисфункция белгиларини мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигига боғлиқ ҳолда ҳам  $V'O_2/кг$  (Кислород ҳажми мл/дақиқа/кг),  $V'O_2/ЮҚС$  (Кислород ҳажми /ЮҚС мл), WR (Ватт),  $V'E$  (Ўпка ҳажми л/дақиқа), HC (нафас сони / дақиқа), НК (нафас коэффиценти), ЮҚС (Юрак қисқаришлари сони / дақиқа),  $V'E/V'O_2$  ( $O_2$  бўйича вентиляция эквиваленти),  $V'E/V'CO_2$  ( $CO_2$  бўйича вентиляция эквиваленти) каби кардиореспиратор тизимнинг функционал ҳолатининг баъзи кўрсаткичлари ўрганилди. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича шуғулланадиган спорт туридан қатъий назар ВП1 босқичида (аэроб фаза)  $V'O_2/кг$  белгилари  $29,72 \pm 1,07$  мл/дақиқа/кг ни ташкил этган бўлса, у ҳолда енгил атлетика билан шуғулланувчи спортчилар орасида 16,5%га юқори бўлди, эшкак эшувчи спортчиларда эса аксинча ўртача кўрсаткичлардан 16,6%га паст бўлди.

Кардиореспиратор тизим функционал ҳолатининг бошқа параметри -  $V'O_2/ЮҚС$  – юрак иш бирлиги ҳисобидан истеъмол қилиндиган кислород ҳажми, тадқиқотда иштирок этган енгил атлетикачи, велоспорт билан шуғулланувчи ва эшкак эшувчи спортчилар орасида статистик аҳамиятли фарқларни мавжуд эмаслигини кўрсатади. Ваҳоланки бунда велоспорт билан шуғулланувчиларга нисбатан солиштириш бўйича эшкак эшувчи спортчилар орасида юрак иш бирлиги ҳисобидан истеъмол қилиндиган кислород миқдорини янада юқори бўлиш тенденцияси кузатилади. Эҳтимол бизлар томонимиздан циклик спортнинг ўрганилаётган турига боғлиқ ҳолдаги аниқланган фарқлар ЮҚСдаги кўрсаткичларнинг фарқлари билан боғлиқдир. Ҳақиқатан ҳам, ушбу кўрсаткичнинг таҳлили шундан гувоҳлик берадики, эшкак эшувчи спортчиларда ВП1 фазасидаги ЮҚС белгилари шуғулландиган спорт турига боғлиқ бўлмаган ҳолда худди шу кўрсаткичга нисбатан 5,5%паст бўлди.

Бошқа, жисмоний юкламага организмнинг лимитловчи реакциясини яна бир муҳим параметри бўлиб, нафаслар сони (НС) ҳисобланади. Бу йўналишда бизлар олиб борган тадқиқот натижалари кўрсатдики, енгил атлетика билан шуғулланувчи спортчиларда НСнинг аҳамияти циклик спортнинг турига боғлиқ бўлмаган ҳолда худди шу каби кўрсаткичлар билан солиштирилганда 8,7%га юқори бўлди. Эшкак эшувчи спортчиларда эса аксинча, мос ҳолда 6,7%га паст бўлди. НС кўрсаткичи ўпка ҳажми кўрсаткичлари ( $V'E$ ) билан жуда яқин алоқададир. Ўпка ҳажми ёки ўпка сифими бу – нафас циклининг турли фазаларида ўпка орқали ўтадиган ҳаво ҳажмидир. Бизлар томонимиздан текширилган спортчиларда мазкур кўрсаткични текшириш натижалари кўрсатдики, ВП1 фазасидаги  $V'E$ нинг энг паст кўрсаткичлари эшкак эшувчи спортчилар орасида ўз ўрнига эга бўлган

бўлса, ВП2 фазасида уларда  $V'E$  энг юқори даражага кўтарилади. Бунда унинг белгилари спортнинг циклик турига боғлиқ бўлмаган ҳолда худди шу кўрсаткичлар билан солиштирилганда 3,9%га юқори кўрсаткичларда ва мос ҳолда энгил атлетика билан шуғулланувчи спортчилар билан таққосланганда 8,9%га юқори ҳолда тақдим этилади.

Тадқиқотда иштирок этган спортчиларда нафас коэффициентини (НК) ўрганиш кўрсатдики, энгил атлетика билан шуғулланувчи спортчиларда ВП1 фазасида бу кўрсаткич белгилари, спорт турига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг ўртача белгиларига нисбатан сал юқори бўлди, эшкак эшувчи спортчиларда эса аксинча мос ҳолда паст бўлди. Ўрганилаётган спорт турлари ўртасида ВП2 фазасида мазкур кўрсаткичлар таҳлилида сезиларли фарқлар аниқланмади. Шу билан бир вақтда  $O_2$  ( $V'E/V'O_2$ ) бўйича вентилиацион эквивалентни ўрганиш натижаларини таҳлили кўрсатадики, ВП1 фазасида ҳам, ВП2 фазасида ҳам ушбу кўрсаткич белгиларидаги сезиларли фарқлар аниқланмайди. Худди шундай кўриниш  $CO_2$  ( $V'E/V'CO_2$ ) бўйича вентилиацион эквивалент бўйича ҳам кузатилади.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот натижалари шундан гувоҳлик берадики, кардиореспиратор тизимнинг ўрганилган параметрлари бўйича тадқиқотда иштирок этган спортчилар сезиларли фарққа эга бўлмайди. Ваҳоланки истеъмол қилинадиган кислород ҳажми, кислородли пульс, ЮҚС, НК каби алоҳида параметрлар бўйича ўрганилаётган спорт турлари ўртасидаги шунигдек аэроб ва анаэроб фазаларга боғлиқ ҳолда баъзи фарқлар қайд этилади. Унча юқори даражада намоён бўлмаган бу фарқлар умуман олганда ҳар бир спорт турининг махсуслигини акс эттириши эҳтимолдан ҳоли эмас.


Ушбу бобда шунингдек юрак дисфункцияси белгиларини мавжудлигига боғлиқ ҳолда кардиореспиратор тизимларнинг функционал параметрларини ўрганиш натижалари тақдим этилган.

2-расмда тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ВП1 фазасида юрак дисфункцияси бўлган спортчиларда спорт турига боғлиқ бўлмаган ҳолда  $V'O_2$  белгиси патологиясиз худди шундай кўрсаткичлар билан солиштириш бўйича 16,2%га юқори бўлди. Деярли худди шу каби кўриниш ВП2 фазасида ҳам, шунингдек максимал кислород истеъмолида ҳам кузатилади.

Спорт турига боғлиқ бўлган ҳолда, жумладан энгил атлетикачилар орасида ҳам мазкур кўрсаткични ўрганиш кўрсатдики, юрак дисфункцияси бўлган энгил атлетикачиларда вақт бирлиги ичида истеъмол қилинадиган кислород ҳажми патологиясиз худди шундай спортчиларга нисбатан 21,8%га юқоридир (2-расм). Мазкур кўрсаткичга нисбатан худди шундай вазият ВП2 фазасида ҳам ўз ўрнига эга бўлади.

2-расмда тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дисфункцияли велоспорт билан шуғулланувчи спортчилар орасида вақт

бирлиги ичида истеъмол қилинадиган кислород ҳажми дисфункциясиз худди шундай спортчиларга нисбатан 16,8%га юқоридир. Мазкур кўрсаткичга нисбатан худди шундай вазият ВП2 фазасида ҳам ўз ўрнига эга бўлади (2-расм).



2-Расм. Юрак томонидан бузилишларнинг мавжуд бўлишига боғлиқ ҳолда спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда  $V'O_2$  нинг қиёсий кўрсаткичлари.


Енгил атлетикачи ва велоспорт билан шуғулланувчи спортчилардан фарқли равишда эшкак эшувчи спортчилар орасида ВП1 фазасида ҳам, ВП2 фазасида ҳам ушбу кўрсаткичга нисбатан бизлар томонимиздан сезиларли фарқлар аниқланмади.

Бундан келиб чиқадики, эшкак эшувчилардан ташқари, ЭКГ томонидан силжишлар аниқланган спортчилар (дисфункцияли), ЭКГда силжишлар аниқланмаган (дисфункциясиз) спортчиларга нисбатан солиштириш бўйича стандарт жисмоний юкламани бажариш учун кўпроқ кислород истеъмол қиладилар.

Кардиореспиратор тизимнинг бошқа кўрсаткичи  $V'O_2/ЮҚС$  – кислород пульсини таҳлил натижалари №3 расмда тақдим этилган.

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, спортнинг турига боғлиқ бўлмаган ҳолда дисфункцияли спортчиларнинг ВП1 фазасида  $V'O_2/ЮҚС$  белгилари дисфункциясиз худди шундай спортчиларга нисбатан солиштириш бўйича 10,2% юқори бўлди. ВП2 фазасида эса бу фарқ жуда кам намоён бўлди.





3-Расм. Юрак томонидан ўзгаришлар мавжуд бўлишига боғлиқ ҳолда спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда  $V'O_2/ЮҚС$ нинг қиёсий кўрсаткичлари.

Спорт турига боғлиқ ҳолда, жумладан енгил атлетикачилар орасида мазкур кўрсаткични ўрганиш кўрсатдики, дисфункцияли енгил атлетикачиларда кислород пульсининг белгиси шунингдек патологиясиз худди шундай спортчиларга нисбатан 21,8% юқори бўлди (3-расм). ВП2 – фазасида эса мос ҳолда 14,5%. Дисфункцияли велоспорт билан шуғулланувчи спортчилар орасида кислород пульсининг белгиси дисфункциясиз худди шундай спортчиларга нисбатан шунингдек 16,8% юқори бўлди. ВП2 - фазасида эса мос ҳолда 13%ни ташкил этди. Бундан келиб чиқадики, эшкак эшувчилардан ташқари, ЭКГ томонидан силжишлар аниқланган спортчилар (дисфункцияли), ЭКГда силжишлар аниқланмаган (дисфункциясиз) спортчиларга нисбатан солиштириш бўйича стандарт жисмоний юкломани бажариш учун кўпроқ кислород истеъмол қиладилар. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, дисфункцияли спортчиларда стандарт қувватдаги жисмоний юклама, кардиореспиратор тизим томонидан янада кўпроқ намоён бўлган реакцияларни чақиради.


Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар шундан гувоҳлик берадики, спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчилар орасида кардиореспиратор тизимнинг функционал ҳолати томонидан силжишларнинг бўлиши ўз ўрнига эга бўлади, у стандарт қувватдаги юклага организмнинг физиологик тизимларини ўз ишини зўриқиб бажаришини белгиси бўлиши мумкин. Бизлар томонимиздан аниқланган белгилар спортчилар

тайёргарлигининг ҳар хил даврида юкломаларга бўлган юрак-қон томир тизимини ўзига хос бўлган мослашмаслик индикатори, шунингдек ҳаддан ташқари кўп шуғулланиш синдромини ривожланиш предиктори бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Диссертациянинг «Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда жисмоний иш қобилиятига жавоб берувчи баъзи генларнинг генотипларини сонли тавсифи ва юрак дисфункцияси билан уларнинг алоқаси» номли бешинчи бобида ACE, ACTN3, PPARA, PPARGC1A, PPARG2 каби қатор спорт генларини ўрганишга ва энгил атлетикачи, велоспорт билан шуғулланувчи ва эшкак эшувчи спортчиларда юрак дисфункцияси билан уларнинг генотипларини ўзаро алоқасини ўрганиш натижалари келтирилган. Бунда кўрсатилдики, спорт турига боғлиқ бўлмаган ҳолда тадқиқотда иштирок этган спортчилар орасида ACE генининг Ins/Ins генотип ташувчилари 26,6%ни, Ins/Del генотиби эса 16,7%ни ташкил этади. Шу билан бирга улар орасида Del/Del генотиби ташувчиларини нисбий оғирлиги фақат 16,7%ни ташкил этади. Циклик спортнинг турига боғлиқ ҳолда ушбу ген генотипларини тақсимланиш сонини таҳлили кўрстадики, эшкак эшувчиларда ACE генотипининг Ins/Ins ташувчиларини нисбий оғирлиги 40,0%ни, Ins/Del генотиби -40,0%ни ва Del/Del генотиби мос ҳолда -20,0%ни ташкил этди. Шу билан бир вақтда энгил атлетикачилар (югирувчилар) орасида ACE генотипининг Ins/Ins ли спортчиларнинг нисбий оғирлиги худди шундай эшкак эшувчилардан 8 марта паст бўлди, Ins/Del ва Del/Del генотиплари сезиларли фарқ эга бўлмади. Шу билан бирга велоспорт билан шуғулланувчилар орасида Ins/Ins генотипини ташувчи спортчилар энгил атлетикачилардаги худди шундай кўрсаткичлардан 7 марта юқори ва эшкак эшувчиларга нисбатан қиёсий бўлди. Del/Del генотипини ташувчи спортчиларни нисбий оғирлиги энгил атлетика билан шуғулланувчи спортчиларда худди шундай кўрсаткичларга қиёсий бўлди ва эшкак эшувчилардаги худди шундай кўрсаткичларга нисбатан солиштириш бўйича 25,0% паст бўлди.

Спортнинг ўрганилаётган турларига боғлиқ бўлмаган ҳолда спортчиларда бошқа ACTN3 гени генотипини тақсимланиш сонини ўрганиш кўрсатдики, C/C генотипини ташувчилар 36,7%ни, C/T генотипини ташувчилар эса -53,3%ни ташкил этди. Шу билан бир вақтда улар орасида T/T генотип ташувчиларини нисбий оғирлиги фақат 10,0%дир. Шу билан бир вақтда, эшкак эшувчиларда C/C генотипининг ташувчиларини нисбий оғирлиги 25,0% ҳолатда, C/T генотиби – 65,0% ва T/T генотиби - 10,0% мос ҳолда ўз ўрнига эга бўлди. Шу билан бирга энгил атлетикачилар орасида ACTN3 генининг C/C генотипини учраши эшкак эшувчилардаги худди шундай кўрсаткичлардан 1,6 марта юқори бўлди, C/T генотиби эса аксинча мос ҳолда 23% паст бўлди. Шу билан бирга велоспорт билан шуғулланувчи спортчилар орасида C/C генотипини ташувчилар эшкак эшувчилардаги худди шундай кўрсаткичлардан яна ҳам юқори (1,8 марта) ва энгил атлетикачилар билан ўзаро қиёсий бўлди. ACTN3 генининг T/T генотип

ташувчиларини нисбий оғирлиги эшкак эшувчиларда ҳам, энгил атлетикачиларда ҳам бир хил натижаларни кўрсатди.



4-Расм. Юрак дисфункцияси белгиларини мавжуд бўлишига боғлиқ ҳолда спортчиларда ACE гени генотипларини тақсимланиш сони.


\*Del/Del :  $\chi^2=4,2$ ;  $p=0,04$ ;  $RR=3,0$ ;  $95\%CI: 0,9956-9,177$ ;  $OR=4,0$ ;

Ўрганилаётган PPARGA полиморфизм генини аллелл-генотип вариантларини тақсимланиш сонини ўрганиш кўрсатдики, эшкак эшувчиларда PPARGA генотипини G/G ташувчиларининг нисбий оғирлиги 65,0%ни ташкил этади. Шу билан бирга энгил атлетикачи ва велоспорт билан шуғулланувчи спортчилар орасида G/G генотипининг учраш сони 80,0%га этади. PPARGA генотипининг G/G генини нисбий оғирлиги ўрганилаётган спорт турларида деярли қиёсий бўлди. Ушбу геннинг C/C генотиби фақат 10% эшкак эшувчиларда учради. Бошқа PPARGC1A полиморфизм гени аллелл-генотипларини тақсимланиш сонининг таҳлили деярли бир хил тенденцияни кўрсатди. Кўрсатилган полиморфизмлардан фарқли равишда PPARG2 гени полиморфизмини тадқиқ қилиш натижаларини таҳлили кўрсатдики, ёғлар метаболизмини кучайишига ва шунга боғлиқ ҳолда мушаклар чидамлилига жавобгар бўлган C/C генотиби учрашини энг юқори сони энгил атлетика билан шуғулланувчи спортчилар орасида энг юқори натижаларга эга бўлади. Велоспорт билан шуғулланувчи ва эшкак эшувчиларда бу кўрсаткичнинг нисбий оғирлиги энгил атлетикачилардан сал ортда қолади.

Ушбу бобда шунингдек юрак дисфункциясига боғлиқ ҳолда ўрганилаётган генлар генотипларини тақсимланиш сонини тадқиқ қилиш натижалари тақдим этилган. ACE генини бу йўналишдаги тадқиқот натижалари 4-расмда келтириб ўтилган. Тақдим этилган маълумотлардан кўрииб турибдики, спорт турига боғлиқ бўлмаган ҳолда бу геннинг Del аллел ташувчиларини нисбий оғирлиги юрак дисфункцияси мавжуд бўлмаган спортчилар билан солиштириш бўйича юрак дисфункцияси бор бўлган спортчилар гуруҳида юқоридир. Бунда агар енгил атлетикачилар орасида бу фарқ 6,6 мартани ташкил этса, велоспорт билан шуғулланувчилар ва эшкак эшувчиларда бу фарқ мос ҳолда 2 ва 3 мартани ташкил этади. Шу билан бир вақтда юрак дисфункцияси мавжуд бўлган ва мавжуд бўлмаган спортчилар гуруҳлари орасида Ins/Ins генотипини учраш сони бўйича фарқлар аниқланмади. Бундан келиб чиқадики, енгил атлетикачиларда ҳам, велоспорт билан шуғулланувчиларда ҳам, эшкак эшувчиларда ҳам ва умуман барча спортчиларда жумладан юрак дисфункцияси белгилари мавжуд бўлганда кардиал дисфункцияга мойиллик генотиби (Del/Del)ни учраш сони янада юқори бўлади. Юрак дисфункцияси белгиларини мавжуд бўлишига боғлиқ ҳолда тадқиқотда иштирок этган спортчиларда ACTN3 ген генотипини тақсимланиш сонини ўрганиш, юрак дисфункциясини мавжуд бўлиши ёки мавжуд бўлмаслиги кузатилган спортчилар ўртасидаги яққол намоён бўлган фарқларни мавжуд эмаслигидан гувоҳлик беради. Бундан келиб чиқадики, юрак дисфункциясининг ривожланиш эҳтимолиги ACTN3 генининг аллелл-генотип вариантларини тақсимланиш сони билан энг кам даражада ассоциацияланган.

5-расмда тақдим этилган маълумотлардан кўрииб турибдики, юрак дисфункциясининг белгилари мавжуд бўлишига боғлиқ ҳолда тадқиқотда иштирок этган спортчиларда PPARG ген генотипини тақсимланиш сонини таҳлили кўрсатдики, спорт турига боғлиқ бўлмаган ҳолда G/G генотипини ташувчиларнинг нисбий оғирлиги, юрак дисфункцияси мавжуд бўлмаган гуруҳ билан солиштирилганда юрак дисфункцияси белгилари бўлган спортчилар гуруҳида деярли 3 марта кам бўлади. Худди шу каби тенденция спорт турига боғлиқ ҳолда ўз ўрнига эга бўлади: енгил атлетикачилар ўртасида 5 марта, велоспорт билан шуғулланувчилар ўртасида 9 марта. Юрак дисфункцияси белгилари бўлган эшкак эшувчилар ўртасида ушбу генотипдаги спортчилар амалий жиҳатдан учрамайди.

Шу билан бир вақтда PPARG генининг C/C генотиби бўйича сезиларли фарқлар аниқланмади. Бундан келиб чиқадики, тадқиқотда иштирок этган спортчиларда юрак дисфункциясининг белгилари PPARG генининг G/G генотиби ва G аллеллари билан ассоциацияланади (5-расм)..



5-Расм. Юрак дисфункциясининг белгилари мавжуд бўлишига боғлиқ ҳолда спортчиларда PPARA ген генотипини тақсимланиши сони.

\*G/C:  $\chi^2=0,2$ ;  $p=0,7$ ; RR=1,9; 95%CI: 0,501-6,884; OR=2,5; 95%CI: 0,3465-18,04

Илмий тадқиқотлардан олинган натижалар асосида «Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларда жисмоний юкламалардан зўриқиш синдромини башоратлаш ва адекват жисмоний машғулотлар режимини ташлаш» дастури алгоритми ишлаб чиқилган.

Form1

**Прогнозирование риска синдрома перетренированности и выбора адекватного тренировочного режима спортсменов по циклическим видам спорта**

Показатели выносливости		Показатели скорости	
ACE (rs4646994) Ins =	в гетерозиготе	ACE (rs4646994) Del =	в гетерозиготе
ACTN3 (rs1815739) T =	в гомозиготе	ACTN3 (rs1815739) C =	отсутствует
AMPD1 (rs17602729) C =		MTHFR (rs1801133) C =	
CNTF (rs1800169) A =		VDR (rs1544410) A =	
IL15RA (rs2296135) T =		PPARG2 (rs1801282) G =	
PPARA (rs4253778) G =	в гетерозиготе	PPARA (rs4253778) C =	в гетерозиготе
PPARGC1A (rs8192678) G =	в гетерозиготе	PPARGC1A (rs8192678) A =	в гетерозиготе
UCP2 (rs660339) T =		UCP2 (rs660339) C =	в гомозиготе
HIF1A (rs11549465) C =		HIF1A (rs11549465) T =	в гомозиготе
ADRB2 (rs1042714) C =		ADRB2 (rs1042713) G =	в гомозиготе
ADRB2 (rs1042713) G>A_(A) =		ADRB2 (rs1042713) G>A_(G) =	в гомозиготе

Индекс выносливости (%) = **22,73**      Индекс скорости (%) = **50,00**

Выносливость/Скорость = **0,45**      **рекомендуется развивать характеристики выносливости**

Число ударов сердца в минуту = **ниже 55**

Экстрасистолия (желудочковая или наджелудочковая) = **есть**

Блокада (типа АВ или ножек Гисса) = **0**

Риск синдрома перетренированности : **высокая степень**

Рекомендация : **Прекратить проведение тренировок к соревнованиям на длинные дистанции, преодоление которых требуют более 30 минут**

ОЧИСТИТЬ    ПЕЧАТЬ    ВЫХОД

## ХУЛОСА

1. Спортнинг ациклик ва циклик турлари билан шуғулланувчи спортчилар орасида кўпинча юрак мослашмаслигининг эрта белгилари учраб, унинг учраш сони эса спортнинг циклик турлари (велоспорт билан шуғулланувчилар) билан шуғулланувчи спортчилар орасида нисбатан кўпроқ бўлишлиги аниқланган.

2. Юрак дисфункцияси белгилари тузилмасида юракнинг ўтказувчанлиги ва қўзғалувчанликлари бузилишларининг учраш сони энг юқори бўлишлиги исботланган.

3. Спортчининг кардиореспиратор тизими функционал кўрсаткичлари билан юрак дисфункцияси белгилари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.

4. Енгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш бўйича мамлакат терма жамоаси спортчилари орасида ACE, ACTN3, PPARA ва PPARGC1A ген генотипларининг тақсимланиш сони бир хилда эмаслиги исботланган.

5. Енгил атлетика, велоспорт ва эшкак эшиш бўйича мамлакат терма жамоаси спортчилари орасида ACE, ACTN3, PPARA ва PPARGC1A ген генотипларининг тақсимланиш сони билан юрак дисфункция белгиларининг орасида маълум боғлиқлик бўлиб, ACE генининг Del/Del генотиби юрак дисфункцияси белгилари мавжуд бўлган спортчилар орасида энг юқори, PPARGC1A генининг A/A генотиби эса юрак дисфункция белгилари мавжуд бўлмаган спортчилар орасида энг юқори бўлишлиги аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЦЕНТР  
СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**ПАРПИЕВ САРДОР РАСУЛОВИЧ**

**ОСОБЕННОСТИ ФУНКЦИОНАЛЬНО-МЕТАБОЛИЧЕСКИХ  
СДВИГОВ В СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТОЙ СИСТЕМЕ У  
СПОРТСМЕНОВ (ПРИ РАЗЛИЧНЫХ ВИДАХ СПОРТА) В ПОКОЕ И  
НА ФОНЕ ФИЗИЧЕСКОЙ НАГРУЗКИ**

**14.00.38 – Спортивная медицина**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**



Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №PhD. B2018.1.PhD/Tib532

Диссертация выполнена в Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.sportmed.uz](http://www.sportmed.uz)) и информационно-образовательного портала "ZiyoNet" по адресу: [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:**

**Мавлянов Искандар Рахимович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Махмудов Дилшодбек Эргашбекович**  
доктор философии по медицинским наукам (PhD), с.н.с.

**Талипова Юлдуз Шавкатовна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский педиатрический медицинский институт**

Защита состоится «30» июля 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 при Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины (Адрес: 100027, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. Олмазор дом 6, тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: [medsport@gmail.com](mailto:medsport@gmail.com)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского научно-практического центра спортивной медицины (зарегистрирован за № 8) по адресу: 100027, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. Олмазор дом 6, тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93.

Автореферат диссертации разослан «16» июля 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 24 от 16 июля 2021 года.



**А.А. Садиков**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.Б. Солиев**

Членый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, с.н.с.

**А.А. Хаджиметов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор биологических наук, профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время спорт сильно коррелирует с физическими и умственными нагрузками и даже более важен, чем процесс адаптации организма, который происходит из-за сложности техники упражнений. Интенсивность тренировочного процесса рассматривается как основной фактор достижения высоких результатов в спорте. Как говорится в документах Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций 60/1 от 16 сентября 2005 года и 65/1 от 22 сентября 2010 года «...спорт способствует достижению целей в области развития, сформулированных в Декларации тысячелетия...»<sup>1</sup> и остается одним из наиболее важных и стабильных направлений развития на период до 2030 года.

